

## Релели ҳимоя ва автоматикадаги рақамли қурилмалар

Релели ҳимоя ва автоматикадаги рақамли қурилмалар (РҲА) икки ўн йиллар олдин чет элларда кенг қўлланила бошланган. Бу даврда реле аппарат қисмининг мукаммал тизилмаси шаклланиб, кўп техник масалалар намунали кўринишга келди. Натижада замонавий рақамли релелар, ҳар хил фирмаларда, хаттоди чет элларда ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, лекин уларнинг ишлаш принцип ва техник характеристикиси бир – бирига жуда яқин. Демак, қуввати, кучланиши ва ўлчов ток трансформаторидан 0,1 – 0,5 В·А атрофида истемоли, аппаратнинг хатолиги 2 – 5 % ни, ишдан қайтиш коэффициенти 0,96 – 0,97 ни ташкил этади. Булардан ташқари кўрсаткичлари (параметрлари) яқин.

Электр ускуналарни ҳимоясини яратишда қанакадир янгилик яратилмади, бирок релели ҳимоя ва автоматика (РҲА) қурилмаларда маълумотларни рақамли ишлаш усулига ўтилди, жиддий равишда релени эксплуатация қилишда жараёнида сифатини яхшиланди. Бу ечим релели ҳимоя бозорида рақамли қурилмаларни ракобатбардошлигини таъминлайди, гарчи уларни татбиқ этишда бир қанча қийинчиликларни (муаммоларни) яратса ҳам. Албатта анъаналар ва кўнималар асосида мавжуд меърий ҳужжатлар бўйича чекловлар юзага келади.

Чет әлларда янги авлод релели ҳимоя ва автоматикадаги рақамли қурилмаларга, маълумотлар тўпламини релели ҳимоя функциясида ишлайдиган ўлчаш ва электр энергия сотишни ҳисобга олиш, электр ускуналарни бошқариш ва ростлаш учун мўлжалланганларига ўтилди. Бундай қурулмалар технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизимларини структураси энергетик обьекти маълумотларни йиғувчи ҳисобланади, худди шундай терминларда ишлатилади. Технологик жараёнларни автоматлашган бошқарув тизимида бундай қурилмалар, энергетика обьекти охирги маълумот тўпловчи қурилмаси яъни терминал ҳисобланади. Мужасамлашган (интеграциялашган) релели ҳимоя ва автоматика рақамли комплексларида, ноънанавий ток ва кучланиши ўлчовчи ўзгартичлар, яъни нурли электрон датчиклар, ферромагнит ўзаксиз трансформаторларга ўтиш имконияти пайдо бўлади. Бу ўзгатгичлар ишлаб чиқаришга қулай, юқори метрологик кўрсаткичларга эга, аммо чиқиш қуввати кичик ва анъанавий аппаратларда ишлатишга яроқсиз бўлади.

## Рақамли реленинг асосий тавсифи

Рақамли реле ҳам маълумотларни аналог принципида қайта ишловчи электрон релелар каби ҳамма афзаликларга эга. Бу ишдан қайтиш коэффициенти 1 га яқин ( $0,96 - 0,97$ , механик релеларда  $0,80 - 0,85$ ), ток ва кучланиш трансформаторларидан кам қувват ( $0,1 - 0,5 \text{ В}^* \text{А}$ , электромеханик релеларда  $10 - 30 \text{ В}^* \text{А}$ ) бўлади. Шу билан бирга электрон реле ишончли таъинот манбайни талаб қиласди. Амалий томондан релели ҳимоя ва автоматикадаги рақамли қурилмалар фойдаланиладиган функциялардан ва вазифалардан қаътий назар  $15 - 20$  ватт ишлатади.

## Рақамли реленинг ишлаш махсус вакти

Рақамли реленинг ишлаш махсус вакти электромеханик аналог релелардагидек үзгармай қолган. Ток ва кучланиши назорат килувчи мужасамланган қийматларни (тасир этувчи қийматлар, фаза оғишлари) аниклаш маълум вакт талаб қиласди. Вакт давомийлиг функцияси  $x(t)$  кўйидаги ифода орқали аникланади:

$$X_d = \sqrt{\frac{1}{T} \int_t^{1+T} x^2(t) dt}$$

Аник вактда бу интегрални ҳисоблаш натижасини,  $x(t)$  вакт оралиғида назорат қилинган,  $T$  даврга тенг вактда олиш мумкин.

Рақамли реле, худди шунга ўхшаш аналог реле каби, амалда Т даврдан қисқароқ вактда, агар назорат қилинадиган катталик үрнатилгандан ошикроқ бўлса, ишга тушиш сигналини шаклантиради. Рақамли интеграллаш ошибб бориш йиғинди ҳисобини ифодалагани учун, уни аниқлаш осон:

$$\int_{t_0}^{t_0+T} x(t) dt \approx \sum_{i=0}^N x(t_i) \Delta t$$

Бу ерда  $x(t)$  – интегролости қиймати (интеграллаш оралиғида олинган боғланиш нұктасидаги  $x(t_i)$ );  $\Delta t$  – икки үлчаш нұкталар орасидаги вакт оралиғи.

Ўрнатилган билан ўлчанган назорат катталигидаги қийматлар кузатув вақти  $T$  га интилади.

Кириш сигнал бир хиллик (гармоника) ни тасвирлаган шароитда, таъсир этиш қийматини ҳисоблашга камроқ вақт сарфлаш мумкин, чунки синусоиданинг амплитудаси (яъни, таъсир этувчи қиймати) унинг бир неча оний қийматларини ҳисоблаб топилади. Амалда эса аник сигналлар бизни қизиқтираётган бир хиллик билан бирга бошқа бир хиликлар ва даврсиз тузувчилар ҳам иштироқ этади. Бу мураккаб сигналлардан биз текшираётган бир хилликни ажартиб олиш вақт талаб этади.

Демак юқорида айтилганлар, сигналнинг интеграл қийматларни аниқлаш ишлатилмайдиган релеларга таълуқли эмас.

*ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ  
УЧУН РАХМАТ*